26 (576)
2007 йил 27 июнь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

Саҳифада

2
- Бураматутлик боғбонларнинг шиори нима?
- Иродали инсон хайрли ишга имкон топади

3
- Матбуотнинг ибтидоси «Ди бао» бўлган...
- Анвар Ғаниевнинг «Жайрон»и қайдан топилди?

4
- Ризқу насиба келтираётган касбни беузр ташламанг!
- «Чегара устидаги уй»ни бир кўринг!

Тошкент вилояти

ЁШЛАР — ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

Янгийўл шаҳрида 26 июнь – Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни муносабати билан ёшлар фестивали бўлиб ўтди.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари бошқармалари, вилоят ОИТС маркази, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, ўқитувчи ва талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.



Р.ГАЛИЕВ олган суратлар

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда гиёҳвандлик, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш борасида самарали ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидладилар. Зеро, гиёҳвандлик кишилар соғлиғига путур етказиб қолмай, бутун жамият, келажак учун ҳам хавфли оқибатлар келтириб чиқариши яхши маълум. Айни вақтда гиёҳвандликнинг ёшлар ўртасида ёйилишини бартараф этиш, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни буюк аждодларимизга муносиб ворислар этиб тарбиялаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари, жамоат ташкилотлари, маҳаллалар, таълим ва тиббиёт муассасалари томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида атрофлича сўз борди.

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўнинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи мажлиси 2007 йил 29 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 28 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Сурхондарё вилояти

БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия Федератив Республикасининг «Фриеденздорф Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Рональд Гегенфуртнер бошчилигидаги делегация аъзолари Сурхондарё вилоятида ногирон ва бемор болаларни тиббий кўрикдан ўтказди.

Мазкур ташкилот 2002 йили имзоланган битимга биноан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда юртимизнинг турли ҳудудларида хорижда даволанишга эҳтиёжи бор болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш йўли билан танлаб олади. Бунда туғма нуқсонли ва куйиш асоратлари бўлган болаларга алоҳида эътибор қаратилади. Бу сафар делегация вакиллари Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида болаларни ана шундай тиббий кўрикдан ўтказишни режалаштирган.

Йигирмадан ортиқ мамлакатда фаолият кўрсатадиган «Фриеденздорф Интернейшнл» Европанинг чет эллик болаларга бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган кўплаб клиникалари билан яқин алоқа ўрнатган. Ушбу ташкилот билан ҳамкорлик доирасида Ўзбекистондан элликдан зиёд бола Европадаги нуфузли шифо масканларига даволанишга юборилган.

(ЎзА)

Сирдарё вилояти

ИСТИҚЛОЛда ҚУЛАЙЛИКЛАР КЎПАЙДИ

Яқинда Гулистон шаҳридаги Истиқлол маҳалласи фақаролар йиғини ҳудудида ҳашар йўли билан узунлиги 75 метр, эни 17,5 метр ва чуқурлиги 1,2 метр ҳажмдаги болалар сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди. Бундан бир ярим йил олдин чангалзор бўлиб ётган ушбу ҳудуд эндиликда маҳалла аҳли, айниқса болалар ва ўсмирлар билан гавжум масканга айланди.

— Ҳудудимизда сузиш ҳавзасининг барпо этилгани маҳалла болаларини жуда қувонтирди, — дейди Истиқлол маҳалласи фуқаролар йиғини раисаси Замирахон Нўъмонова. — Улар ёз мавсумида бу ерда чўмилиб, ҳам бўш вақтини мароқли ўтказишади, ҳам жисмоний чиниқишади. Сув ҳавзасидан ташқари, барча шароитларга эга бўлган битта спорт майдончаси ҳам маҳалламиз болалари ихтиёрида. Тез орада замонавий кўринишдаги яна бир спорт майдончаси фойдаланишга топширилади.

Донагул ЖЎРАЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари касб байрами арафасида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига таълим-тарбия соҳаси раҳбарлари, илғор педагоглар, юртимизнинг етакчи оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, журналистлар таклиф этилди.

ТАЪЛИМ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Тадбирда Ўзбекистон халқ таълими вазири Т.Жўраев Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук шахслар этиб тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан этиб белгиланганини алоҳида таъкидлади. "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури бу борада муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнидан халқимизни хабардор этишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизмати беқиёсдир. Тадбирда таълим тизимидаги янгиликлар, ижобий ўзгаришлар, илғор педагогик технологияларнинг жорий этилишини матбуот саҳифалари, телевидение ва радио орқали ёритиш борасида фаоллик кўрсатаётган бир гуруҳ журналистларга "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" ҳамда "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими ҳомийси" кўкрак нишонлари топширилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ОАВда ЙИЛ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмитасида бўлиб ўтган давра суҳбатида ушбу мавзунинг ёритилиши муҳокама этилди

Маълумки, мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказишда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрни беқиёс. Хусусан, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида белгиланган қатор устивор вазифалар ва чора-тадбирлар мавжудки, уларнинг бутун республикамиз ҳамда жойлардаги ижросидан халқимиз биринчи навбатда матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлади.

Хўш, жорий йил бошидан буён Матбуот ва оммавий ахборот воситаларида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида қайд этилган тадбирлар ижроси бўйича амалга оширилган оммавий тарғибот ишлари самарасини қандай баҳолаш мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида бўлиб ўтган давра суҳбатида сўз олганлар худди шу савол атрофида йил дастури ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши хусусида маъруза қилдилар.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, республика, вилоят, туман ва шаҳарлар оммавий ахборот воситалари раҳбарлари иштирок этди.

Давра суҳбатини мазкур қўмита раиси Х.Дўстмуҳамедов бошқарди.

Айтиш жоизки, Президентимиз Ислом Каримов томонидан жорий йилнинг 23 январида имзолаган "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарорда, жумладан, аҳолининг ночор қатламларини аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш вазифалари ҳақида таъкидланган эди. Айни пайтда ушбу вазифалар қарор асосида ишлаб чиқилган йил дастури тадбирлар режасида ўз аксини топган.

Йиғилишда маъруза қилганлар дастурда белгиланган тадбирлар ижросини оммавий ахборот воситаларида ёритишда қайси жиҳатларга алоҳида урғу берилаётгани ва қайси жиҳатлар эътибордан четда қолаётгани ҳақида фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

3-саҳифада **МУХБИРИМИЗ**

ИНСОНПАРВАРЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ДИНИ

Тошкент ислом университетида "Марказий Осиёда ислом қадриятлари: бағрикенглик ва гуманизм" мавзуида халқаро илмий анжуман бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти, Тошкент ислом университети, Франция Марказий Осиёни тадқиқ қилиш институти (IFEAC), Марказий Осиёни тадқиқ қилиш халқаро институти (ПСАS) ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда мамлакатимиздан ташқари Россия, Франция, Голландия, Швейцария, Япония, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Эрон каби мамлакатлардан олимлар, мутахассис ва тарихчилар иштирок этмоқда.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг президенти Ш.Солихов, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили М.Баррилейн, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари Абдулазиз Мансур ва бошқалар Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон жаҳон илм-фани билан бир қаторда ислом маданияти ривожига бемисл ҳисса қўшган буюк алломалар вояга етган муқаддас замин эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маданий қадриятларимизни тиклаш, аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини тадқиқ этиш, муқаддас қадамжоларни таъмирлаш ва ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бермоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти — ISESCO томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши халқимиз бу борада эришаётган ютуқларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди. Ушбу халқаро анжуман ҳам ISESCO томонидан мазкур қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан режалаштирилган тадбирлар доирасида ташкил этилди.

Муқаддас динимизнинг инсонпарварлик руҳи билан суғорилган қадриятларини, афсуски, айрим бузғунчи, экстремистик гуруҳлар томонидан обрўсизлантиришга интилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Улар ислом динининг табиати ва фалсафасини бузиб талқин қилиш ҳамда қадимий анъаналарни инкор этиш орқали ғаразли мақсадларига эришишга уринмоқда. Шу боис ислом динига хос бағрикенглик ва инсонпарварликнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш ва тарғиб қилиш, бу борада минтақамиз халқларининг бирдамлиги ва мустаҳкам ҳамкорлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

— Турли халқлар ва цивилизацияларнинг чорраҳасида жойлашган Ўзбекистоннинг ислом маданияти равнақига қўшган ҳиссаси беқиёсдир, — дейди Франция Марказий Осиёни тадқиқ қилиш институти директори Байрам Балчи. — Ўзбекистонда истиқлол йилларида виждон эркинлигини, диний бағрикенгликни таъминлаш, ислом маданиятини асраб-авайлаш, бой илмий-маънавий меросни ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш, муқаддас қадамжоларни тиклаш ва ободонлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бутун жаҳонда кенг эътироф этилмоқда. Ўнлаб мамлакатлардан таниқли олимлар, дипломатлар ва халқаро экспертлар иштирок этаётган ушбу анжуманнинг Тошкентда ўтаётгани ҳам ана шу эътирофнинг яна бир яққол далилидир.

Икки кун давом этадиган халқаро анжуманда Марказий Осиёда ислом қадриятларининг шаклланиши ва равнақ топиши, ўзига хос хусусиятлари, ислом динининг фалсафий, маданий ва маърифий жиҳатларини ўрганиш билан боғлиқ кўплаб мавзуларда маърузалар тингланади.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б.Абдуҳалимов сўзга чиқди.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА мухбири.

Mahalla

— Яна нима дейсиз?
— Боғ яратганга савоб бисёр экан...

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй
www.mahalla.uz
E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган муддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

Самарқанд вилояти

16

ЭЗГУ НИЯТ — ХАЙРЛИ ИШЛАРГА ЭШ БЎЛАДИ

Президентимизнинг шу йил 30 май куни имзо чеккан "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорини ўқиб кўнглимдан кўп гаплар ўтди...

Мана, ўн олти йилдирки мамлакатимизда ҳурлик, эркинлик эпкинлари эсмоқда. Халқимиз фаровонлик йўлида бунёдкорликка бел боғлаган. Шукрки, юртимиз тинч, ҳаётимиз осойишта. Ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги одимларимиз йил сайин шаҳдамлашмоқда. Энг муҳими, юртдошларимизда фаол фуқаролик позицияси шаклланмоқда.

Эл-юрт фаровонлигини ошириш ва инсон манфаатларини таъминлаш йўлида ҳукуматимиз, Президентимиз томонидан илгари сурилаётган ва амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси кўз ўнгимизда яққол намоёндир.

Тадбиркорлик, хусусий мулкчиликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини ва ижтимоий инфратузилмани бойитиш, фуқароларнинг моддий фаровонлигини ошириш, ижтимоий муҳофазани кучайтириш масалалари давлат ва нодавлат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими фаолиятида асосий йўналиш саналади.

Биргина бизнинг Урганжи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳаёти мисолида мустақиллик шарофати билан халқимиз, мамлакатимиз тақдирида қандай ижобий воқеалар юз берганини таҳлил этиш мумкин.

Қишлоқ фуқаролар йиғинимиз таркибида катта-кичик 40 га яқин қишлоқ ва овуллар бор. Бу қишлоқ ва овуллар Оҳчобсой, Янгиқишлоқ, Урганжи, Жомбулоқ сингари 4 та маҳалла фуқаролар йиғини таркибига кирган бўлиб, асосан Нурота тизма тоғлари бағрида жойлашган. Ҳудудимиз Самарқанд вилоятининг энг чекка ва олис сарҳади ҳисобланиб, бир томони — Навоий вилоятининг Нурота, яна бир томони — Жиззах вилоятининг Фориш, Ғаллаорол туманлари билан чегарадош. Баъзи манзилгоҳларимиз вилоят марказидан 180-200, туманимиз марказидан 85-90, йиғинимиз марказидан 35-40 километр олисда жойлашган.

Айни кунда қишлоғимиз ҳудудида 15 та мактаб, 9 та фельдшерлик — доялик пунктлари, 2 та алоқа бўлими, 2 та савдо корхонаси, марказлашган шифохона, бозор аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Ҳукуматимизнинг таълим тизимига бўлган алоҳида эътибори самараси ўлароқ, ўтган йил давомида йиғиндаги 28, 36-умумтаълим мактаблари қайта қурилиб, янги жиҳозлар, ўқув қуроллари ва компьютерлар билан таъминланди. Шу кунларда 51, 80-умумтаълим мактабларининг янги бинолари қурилиши якунланиш арафасида турибди. Бундан ташқари, 2008-2009 йилларда йиғинимиз марказида замонавий коллеж барпо этилиши режалаштирилган.

Энди қишлоқларга олиб борувчи йўлларни таъмирлаш ҳаракатидамиз. Масалан, йиғин маркази — Урганжидан янги қурилаётган Оҳчобсой сув омборигача бўлган (қачонлардир шағал ётқизилгану ҳозир ўйдим-чуқур ҳолга келган) йўлни асфальтлаш ташаббуси билан чиққан А.Мардиев, А.Ўсаров, З.Юсупов, А.Эшқулов каби фаолларимиз ушбу хайрли ишни амалга ошириш чора-тадбирларини излаб, бир қатор ташкилотларни ҳам бу ишга жалб этишга эришдилар.

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг "Ижтимоий ҳимоя йили" деб эълон қилиниши муносабати билан ҳудуддаги ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳволини бирма-бир синчиклаб ўргандик. Иқтисодий турмуш тарзи ночорроқ оилаларга фермерлар ва ўзига тўқ хўжаликлар ҳомийлигида бир бошдан қорамол ҳадя этиш тадбири яқинда якунланди. Тадбиркорлик субъектлари ва фермерларимиз саховати билан 32 нафар кам таъминланган ва 6 нафар якка-ёлғиз фуқароларга доимий равишда моддий-маънавий кўмак берилмоқда. Пенсионерлар, нафақахўрлар, ногиронлар, етим-есирлар ва бева-бечораларнинг айрим ҳаётий муаммолари фаолларимиз назоратида. Иш билан банд бўлмаган фуқароларни муқим иш ўринлари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Яқинда йиғинимиз ҳудудида Оҳчобсой, Жомбулоқ қишлоқ врачлик пункт (ҚВП)лари фойдаланишга топширилди, Янгиқишлоқ маҳалласидаги ҚВП жорий таъмирдан чиқди. 3 та маҳалла идораси янги бинога кўчирилди. Шунингдек, ҳудудда касаначилик кенг ривожлантирилиб, фуқароларнинг тикувчилик, гиламдўзлик, каштачилик билан шуғулланиши учун шароитлар яратилди.

Президентимизнинг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ёш оилаларимиз, оила қуриш арафасидаги ёшларимиз, умуман, ҳамқишлоқларимиз қалбида қувонч уйғотиб, эртанги кунга ишонч ҳиссини янада мустаҳкамлади. Ҳар бир оилада 3-4 нафардан оила қуриш ёшидаги йигит-қизлар бор. Мустақил ҳаёт бўсағасида турган бу ёшларга банклар томонидан имтиёзли шартлар асосида кредит маблағлари ажратилиши катта имкониятдир. Боз устига, Фармонга кўра тегишли ташкилотлар олдига ҳам қўшимча кредит маблағи излаб топиш вазифаси қўйилган. Бу тадбирлар, шубҳасиз, ёш оилаларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш, уй-жой қуриш, сотиб олиш, таъмирлаш, шунингдек, узоқ муддат фойдаланадиган уй жиҳозлари харид қилиш имкониятларини янада кенгайтиради. Ўз ўрнида бундан оилаларнинг мустаҳкамланиши, уларда туғилажак фарзандларнинг соғлом ва тўкин яшаши учун замин яратилишини кўз олдимизга келтириб, бугун ҳар биримиз беҳад қувониб турибмиз.

Фармонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юкланган. Чунончи, кам таъминланган оилалар фарзандларига никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ташкил этишда қўшимча моддий ёрдам кўрсатишимиз лозимлиги алоҳида қайд этилган. Бу борада амалга ошириладиган тадбирларни режалаштириб олдик.

Мақсадимиз — Ватан мустақиллигини янада мустаҳкамлаш йўлида мамлакат иқтисодий-ижтимоий ривожига, ёшларнинг баркамол инсонлар бўлиб улғайишига муносиб ҳисса қўшиш. Аминманки, Истиқлолимиз байрамига тайёргарлик кетаётган ушбу кунларда қалбида ватанпарварлик ҳисси жўш урган ҳар бир ватандошимиз шундай ўй-ният билан яшамоқда.

Бекмуҳаммад МАМАРАСУЛОВ,
Қўшработ туманидаги Урганжи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

Истиқлол имкониятлари

Наманган вилояти

Бураматут қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 5 минг 617 хонадоннинг барчаси ўз томорқасига эга бўлиб, уларда етиштирилаётган сархил мева ва сабзавотлар бозору дастурхонларимиз тўкинлигини таъминлаб келяпти.

"ЕРИНГ БЎЛСА, БОҒ ЯРАТ!"

бураматутлик меҳнатсевар инсонларнинг шиори шундай

Калвак маҳалласининг помидори, Мозорқўҳна ва Бураматутда етиштирилган гилоснинг довруғи нафақат вилоятда, балки республикамизда машҳур. Бу ерлик кишилар қандай касб-кор билан шуғулланишидан қатъи назар, боғдорчилик ва деҳқончиликни канда қилишмайди. Масалан, ўқитувчи Валижон Арслонов ва шифокор Муҳаммадали Қосимовнинг боғларида серҳосиллигидан шохлари эгилиб турган дарахтлар кўзни қувнатади. Воҳиджон Аҳмадалиев, Ғанижон Қўлдошев, Умиджон Абдусаломов, Қамбарали Эргашев сингари миришкорларнинг ҳам боғдорчилик орқали эришаётган ютуқлари бисёр. Хусусан, Муҳаммадали Қосимов ўз томорқасида етиштирилган гилос ҳосилини сотиб, йилига ўртача 4 млн. сўмдан даромадга эга бўляпти.

— Ўтган йилги даромадимиз ҳисобидан онамиз ҳаж зиёратини адо этиб қайтдилар, — дейди Зарбдор маҳалласида яшовчи Анваржон Усмонов. — Қолаверса, уй-жой қурдик, қорамоллар олдик. Бундай имкониятлар томорқамиздаги 10 сотихли гилосзор орқали бўлди.

Ҳозир ўлкамизда айни пишиқчилик пайти. Тўрақўрғон туманидан кунига ўнлаб тонна мева-сабзавотлар мамлакатимизнинг турли шаҳарларига жўнатилмоқда. Бунинг эвазига олинаётган даромад эса аҳоли фаровонлигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш йўлида сарфланмоқда. Янги иморатлар, қишлоқ кўчаларини тўлдириб юрган "Тико", "Нексия", "Дамас"лар, оғиллардаги қатор-қатор қўй-қўзилар, сигир-бузоқларга қараб, юртдошларимизнинг меҳнатлари бесамар кетмаётганидан қувонасан киши.

— Буларнинг барчаси истиқлолнинг илк йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан томорқа хўжаликларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ислоҳотларнинг самараси, — дейди ҳамқишлоқларининг бу йилги хирмони ва даромадининг чўғи баландлигидан кўнгли тўлган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Абдуназар Деҳқонов.

Содиқ САЙҲУН,
"Mahalla" мухбири.

МАҲАЛЛАнинг МАҚОМИ

ўзини ўзи бошқаришнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари орқали мустаҳкамланиб боряпти

Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган "Кучли давлатдан — кучли жамият сари" тамойилини ҳаётга жорий этиш нодавлат, нотижорат тузилмалар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари нуфузи ва мақомини янада кучайтириш орқали амалга оширилади. Бу жараён ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги кўп масалаларни ҳал этишда давлат тузилмалари вазифаларини босқичма-босқич жамоат тузилмаларига ўтказиб бориш ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мустақиллигини амалда таъминлаш билан боғлиқ.

Мустақиллик шарофати билан қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида биринчи марта мамлакатимизда ўзини ўзи бошқарувнинг конституциявий асослари мустаҳкамлаб берилди. Аммо Конституция маҳаллий ўзини ўзи бошқариш институтлари мавжудлигини шунчаки тантанали равишда эълон қилибгина қолмай, балки жойларда халқ ташаббусини ривожлантиришни таъминловчи юридик кафолатларни ҳам юзага келтирди. Бундай кафолатлар Бош қомусимизнинг мазмун-моҳиятида мужассам.

Шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий асосларини "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид низомлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил этади.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, 1993 йил 2 сентябрда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилингач, ўша давргача амалда бўлган бир қатор қонун ва фармонлар ўз кучини йўқотди. "Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари посёлка кенгаши тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари қишлоқ кенгашлари тўғрисида"ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг "Ўзбекистон Республикасининг шаҳарларда, посёлкаларда, қишлоқларда, маҳаллий қўмиталар ҳақидаги Қонунни тасдиқлаш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий мажлислари, турар-жойлардаги йиғилишлар тўғрисида"ги Қонунни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарорлари шулар жумласидан.

Мазкур нормалар 1999 йил 14 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида ривожлантирилди.

С.СОБИРОВА,
ТДЮИ талабаси.

Жиззах вилояти

Қалблардан кетмасин мурувват

Жиззах шаҳридаги Зилол маҳалласида истиқомат қилувчи Икром Иномов тақдир зарбаларига дош бера олган иродаси бақувват инсон. У ногиронлигига қарамай, уй-рўзғор юмушларига уннайди, турли янгиликларга қизиқади, маҳалла-қўйда кўпчилик билан битадиган юмушларга албатта фарзандларини йўллаб туради. Унинг бу фаоллигини рағбатлантириш мақсадида маҳалла оқсоқоли Анорвой Исоқов ҳомийларни жалб этган ҳолда И.Иномовга ногиронлар аравачаси туҳфа этди. Бундан ташқари, ҳомийлар саховати билан яна бир хайрли иш амалга ошди — эҳтиёжманд оилага соғин сигир ва бузоқ ҳадя этилди.

— Тақдиримдан нолимайман, — дейди Икромжон ака, — атрофимда мени, оиламни маънавий, моддий қўллаб-қувватловчи меҳрибон кишилар борлигига беадад шукр қиламан.

СУРАТДА: *йиғин раиси А.Исоқов маҳалладоши билан.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

МАКТАБЛАР ТАЪМИРДАН ЧИҚДИ

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Нукус туманида ҳам ёз мавсумида ўқув масканлари биноларини янги ўқув йилига тайёрлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, яқинда туман марказидаги 1-сон умумтаълим мактаби биносини капитал таъмирлаш ишлари сифатли даражада якунланди. Қарийб 106 миллион сўмлик таъмир ишлари "Қорақалпоқтаъмир" масъулияти чекланган жамияти усталари томонидан бажарилди.

Бинобарин, тумандаги 5 та умумтаълим мактабларида ҳам капитал таъмирлаш ишлари поёнига етмоқда.

Асил БЕК,
"Mahalla" мухбири.

Ер эгасининг ютуғи

САХОВАТГА ТАҚСИМЛАНГАН ДАРОМАД

фермернинг эҳтиёжманд маҳалладошлари корига ярамоқда

Қўрғонтепа туманидаги Собиржон Ўринбоев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги аъзолари ҳар гектар ғаллазордан салкам олтмиш центнердан буғдой ҳосили кўтариб, тумандаги Дўстлик мавзесида биринчилардан бўлиб йиллик шартномавий режани бажаришга эришдилар.

— Охунбобоев номли маҳалла аҳлининг саъй-ҳаракати билан ҳосилимиз баракали бўлди, — дейди фермер Собиржон Ўринбоев. — Йиллик шартномавий режадан 25 тонна буғдой ошиқча бўлди. Ундан бир қисмини хўжалигимиз аъзоларига иш ҳақи сифатида берамиз. Қолаверса, маҳалладаги кам даромадли, серфарзанд, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам бир-икки қопдан буғдой тарқатишни режалаштирдик.

Жорий йилда маҳалланинг илғор пилакорлари фермер хўжалигининг икки қути ипак қуртини парваришлаб, 105 килограмм пилла ҳосили етиштириб бердилар. Ғўза ниҳоллари парвариши, яганалаш, бегона ўтлардан тозалаш, зараркунандаларга қарши курашиш ишлари ҳам маҳалла аҳли кўмагида бажарилмоқда.

Ўз навбатида фермер ҳам маҳалласига, маҳалладошларига қўлидан келганча ёрдам кўрсатмоқда. У мактаб, қишлоқ врачлик пунктини таъмирлашга ҳомийлик қилди. Айни пайтда эса маҳалла кўчаларини асфальтлаш, газ ва ичимлик суви тармоқларини тортиш чораларини кўрмоқда.

— Мен собиқ ширкат хўжалигида ўттиз йилга яқин бригада бошлиғи, агроном бўлиб ишлаганман, — дейди Собиржон. — Аммо маҳалла аҳлининг қилган меҳнати сувга тушган тошдек бесамар кетаверарди. Ободончилик ишлари асосан марказда амалга оширилиб, бизнинг маҳаллалар эътибордан четда қолиб кетаверган. Мана, эндиликда бу ишларни ўзимиз бевосита ташаббус кўрсатиб, ўз маблағимиз ҳисобидан амалга ошираяпмиз.

Дарҳақиқат, фермер хўжалиги ўтган йилнинг бошларида ташкил топган бўлишига қарамай, қисқа муддатда яхши натижаларни қўлга киритди. Айни пайтда ғалла ўрими мавсумини самарали якунлаган хўжалик аъзолари ғўза парваришига бор куч-ғайратини сарфламоқда.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

"Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси"

Республика кўрик-танлови НИЗОМИ

I. Кўрик-танловнинг мақсади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3434-сонли фармони ҳамда ушбу фармон ижросини таъминлаш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли қарори асосида ҳудудида камида 500 оила яшайдиган маҳаллалар, шунингдек, таркибида маҳаллалар ташкил қилинмаган (посёлка), қишлоқ ва овул фуқаролар йиғини кенгаши девони таркибида ташкилий ва амалий йўналишларда самарали фаолият кўрсатаётган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларни аниқлаш, уларнинг илғор тажрибаси ва эришган ижобий натижаларини кенг оммалаштириш.

II. Кўрик-танлов шартлари

Кўрик-танловда қатнашиш учун фуқаролар йиғини кенгашининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи томонидан диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия борасида олиб борилаётган ташкилий ва амалий фаолият йўналишлари бўйича низомий вазифалар бажарилишини таъминлашда амалга оширилган ва олиб борилаётган ишлари бўйича қуйидаги йўналишларни ўз ичига олган тўлиқ маълумотномани туман (шаҳар) ҳакамлар ҳайъатига тақдим этадилар:

— Республика Президентининг 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сонли фармони ҳамда ушбу фармон ижросини таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли қарорини амалга оширишга қаратилган маҳалла маслаҳатчисининг 2007 йилдаги тадбирлар режаси;

— маҳаллада соғлом оилаларни шакллантириш, турмуш қураётган ёшлар ўртасида тиббий-қўрикдан ўтишнинг аҳамияти, оила ва никоҳ муносабатларининг қонунийлигини таъминлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича аниқ тадбирларни амалга ошириш;

— маҳалла ҳудудидаги мавжуд оилалар тўғрисида "Оила" паспорти ва маълумотлар банкининг яратилганлиги;

— маҳаллаларда кам таъминланган, кўп болали, ёлғиз, ёрдамга муҳтож оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

— хотин-қизларнинг ижтимоий бандлиги масалаларига қаратилган эътибор, маҳаллада касаначилик ишларига аёлларнинг жалб этилганлиги ва қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда тўғараклар фаолияти;

— маҳалла хотин-қизлари ва ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилган аниқ тадбирлар;

— маҳалладаги намунали оилалар ва лидер аёллар ҳамда ижтимоий фаол фуқаролар билан ишлашнинг самарали шаклларидан фойдаланиш;

— диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбияга ҳамда хотин-қизларнинг дунёқараши, маданий-ҳуқуқий билимлари даражасини оширишга оид тадбирлар;

— маслаҳатчининг турли оммавий ахборот воситалари орқали ваколати доирасига кирувчи масалалар юзасидан чиқишлари;

— оилалардаги муҳитни ўрганиб бориш, нотинч ва ноқобил оилалар билан якка тартибда ишлаш, аниқланган муаммоларни бартараф этишда оилаларга ёрдам беришда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорлик;

— диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича олиб борилган ишлар ҳақида фуқаролар йиғини кенгашига берилган ҳисобот юзасидан кенгаш қарори ҳамда шу асосда келгусида тегишли режаларнинг белгиланганлиги ва ижроси;

— миллий ва диний урф-одатларимизни такомиллаштириш, ўрганиш ва тарғиб қилиш, тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, умумиинсоний қадриятларни тиклаш ва янада ривожлантириш;

— маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иллатлар — диний экстремизм ҳолатлари, турли жиноятлар, ўз жонига қасд қилиш, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик каби муаммолар юзага келишининг олдини олиш юзасидан амалга оширилган ишлар;

— носоғлом диний ғоялар таъсирига тушиб қолган оилалар билан, жумладан, экстремистик ташкилотлар фаолиятида қатнашгани ва жиноят содир этгани учун жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар бор оилалар билан алоҳида ишлар;

— маслаҳатчининг хотин-қизлар комиссияси, профилактика нозири, посбонлар сардори билан ҳамкорликда миллий урф-одатларимизга зид бўлган, хотин-қизлар томонидан жиноятчилик, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик ва фоҳишахона сақлаш ҳолатларининг олдини олишда амалга оширилган ишлар.

Маълумотномага маҳалла маслаҳатчисининг фаолиятини акс эттирувчи ҳужжатлар (иш режаси, амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумот, ўтказилган тадбирлар натижасида эришган ютуқлари ҳамда хотин-қизлар ҳаёти ва бошқа фаолият йўналишларига оид ўтган йилга нисбатан солиштирма кўрсаткичлар мониторинги ва ҳ.к.), фотосуратлар, плакатлар, фотоальбом ва стендлар тегишли мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликдаги иш режалари ҳамда шу кабиларни илова қилиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумотнома тегишли равишда фуқаролар йиғини кенгаши қарори, туман (шаҳар), "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимлари ва хотин-қизлар қўмитаси қўшма қарорлари ва расмий ҳужжатлар билан бирга топширилади.

III. Кўрик-танловни ташкил этиш

Кўрик-танлов жойларда вилоят, шаҳар, туман "Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинмалари ҳамда хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида тузилган комиссиялар томонидан ўтказилади.

IV. Кўрик-танлов босқичлари

Кўрик-танлов босқичма-босқич ўтказилади.

Биринчи босқич 2007 йил июль ойининг биринчи ярмида туман ва шаҳарларда тегишли комиссиялар томонидан ўтказилиб, бунда ҳар бир туман (шаҳар)дан биттадан номзод танлаб олинади ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъатига тақдим этилади.

Иккинчи босқич 2007 йил июль ойининг иккинчи ярмида ўтказилиб, бунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳакамлар ҳайъати туман (шаҳар)да биринчи ўринни эгаллаган маслаҳатчилар фаолиятини яна бир бор жойларда батафсил ўрганиб, биринчи, иккинчи ва учинчи ўринларга муносиб ибратли маслаҳатчиларни аниқлайдилар ва уларни муносиб рағбатлантириш тўғрисида тегишли "Маҳалла" жамғармаси бўлим бошқаруви ҳамда хотин-қизлар қўмитасига тавсия этадилар.

Учинчи босқич кўрик-танловнинг Республика босқичи 2007 йил август ойида Республика комиссияси томонидан 4 та ҳудудга бўлинган ҳолда ўтказилади.

1-ҳудуд: Тошкент шаҳри, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятлари.

2-ҳудуд: Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари.

3-ҳудуд: Самарқанд, Навоий, Бухоро вилоятлари.

4-ҳудуд: Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари.

Қайси ҳудудда ўтказилиши қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кўригида биринчи ўринга сазовор бўлган маслаҳатчилар эришган ютуқлари Республика комиссияси томонидан яна бир бор ўрганиб чиқилади ва билдирилган таклифларни эътиборга олган ҳолда "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси раёсатларининг қўшма мажлисларида тасдиқланади.

V. Кўрик-танловнинг якунлари бўйича тегишли ҳужжатлар ва уларни тақдим этиш тартиби

Кўрик-танловда қатнашган ҳар бир фуқаролар йиғини кенгаши маслаҳатчиси ҳақида тайёрланган тўлиқ маълумотнома керакли иловалар, маҳалла кенгаши қарори ва маҳалла раиси хати билан тегишли туман (шаҳар) комиссияларига белгиланган муддатда тақдим этилади.

Маълумотнома фуқаролар йиғини раиси имзоси ҳамда маҳалла муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Туман комиссиялари, энг намунали деб топилган маслаҳатчи маълумотномасини фуқаролар йиғини кенгаши қарори, ўз қарори билан бирга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссияларига тақдим этадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кўрик-танлов комиссиялари тегишли туман (шаҳар) комиссиялари тақдим этган маълумотларни кўриб чиқиб, биринчи ўринни эгаллаган маслаҳатчи ҳужжатларини, ўз қарори билан бирга барча бирламчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда Республика кўрик-танлов комиссиясига тақдим этади.

Республика кўрик-танлов ҳайъати тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, кўрик-танлов ғолиблари иш фаолияти юзасидан кўргазмали чиқишлар ташкил этади ва ҳудудлар бўйича ғолиблар аниқланади.

Ҳудудлар бўйича ғолиблар "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг қўшма мажлиси тасдиғига киритилади.

Республика кўрик-танлови Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 16 йиллигини нишонлаш арафасида якунланади. Ғолиблар "Mahalla" газетасида эълон қилинади.

VI. Ғолибларни тақдирлаш

"Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" Республика кўрик-танлови ғолиблари "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланадилар.

Матбуот аҳли — доимо изланишдаги фидойи инсонлар!

Халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот аҳлини Ватанимиз манфаатларининг фаол ҳамоячиси бўлган, давлат ва жамият ўртасида бамисоли холис воситачи сифатида фаолият кўрсатадиган, мамлакатимизнинг янгиланиши ва тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни кўзланган мақсад ва манзилларга етказишда доимо изланиб яшайдиган фидойи инсонлар деб билади ва қадрлайди.

Ислом КАРИМОВ

Газетачилик: тарихда ва бугун

Газета — оммавий ахборот воситалари орасида ёши улуғи, таъбир жоиз бўлса, ибтидоий туридир. Дастлабки газеталар милоддан аввалги I асрда Римда бирор номдаги нашр шаклида эмас, варақа ва бюллетенлар шаклида чиқарилган. Хитойда VII асрда "Ди бао", яъни "Пойтахт ахбороти" номи билан чиққан нашрнинг шакли варақага нисбатан такомиллашган кўринишда бўлган. Ҳозирги газеталар шаклидаги нашрлар дастлаб XVI-XVII асрларда Европада чоп этила бошланган. Илк газеталар ҳафтада ёки ўн беш кунда бир марта жуда оз нусхада чиққан. Бу нашрлар мазмунан жуда қашшоқ бўлиб, уларда асосан сарой янгиликлари, тижорат хабарлари акс этган. Қадим Венецияда ёзма ахборотлар шаклида чоп этилган нашр учун "газета" деган чақа пул тўлашган. Бу сўз италянча "gazzetta" сўзидан олинган бўлиб, чақа пул деганидир. Даврий босма нашрларнинг оммавий равишда газета деб номланишига 1637 йил Парижда қирол Людовик XIIIнинг шахсий шифокори ва йилномачиси Теофраст Ренодонинг парижлик китобфурушлар — Луи Вандом ва Жан Марпэн билан биргаликда "La Gazzette" номли босма нашрни чоп эта бошлагани туртки бўлган деган тахмин мавжуд...

Газетачилик тараққиёти юртимизда ҳам ўз тарихига эга. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида қайд этилишича, XIX асрнинг 70-йилларида чиқа бошлаган "Туркестанские ведомости" газетаси даврий матбуотимизнинг ибтидоси ҳисобланади. Худди шу вақтда ўзбек тилида "Туркистон вилоятининг газети" ҳам нашр этила бошланган. XX аср бошларида тараққийпарвар ўзбек маърифатчилари томонидан чоп этилган "Тараққий", "Хуршид", "Шуҳрат" (1906-1907), "Бухорои Шариф", "Самарқанд", "Садои Туркистон", "Садои Фарғона" (1912-1915), "Нажот", "Фарғона нидоси", "Турк эли", "Ҳуррият" каби нашрлар Ўзбекистон миллий матбуотчилиги тарихида муносиб ўринга эга. Ўша давр даврдаёқ бу нашрларда миллий тараққиёт муаммолари ўз аксини топган. Айниқса, 1906 йил 27 июндан чиқа бошлаган "Тараққий" газетасида эркинлик, тенглик ғоялари илгари сурилиб, ўша давр маърифатпарварларининг истиқлолга маънавий замин яратиш борасидаги қарашлари ёритилган. Юртимиз том маънода истиқлолга эришгач, 1993 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши "Тараққий" газетасининг илк сони дунё юзини кўрган 27 июнь санасини ўзбек журналистлари ва матбуот ходимларининг касб байрами — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Мана, 14 йилдирки, ушбу сана мамлакатимизда кенг нишонланиб, ҳар йили байрам муносабати билан матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг фидойи ходимлари Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирлаб келинмоқда. Умуман, мустақиллик йилларида мамлакатимизда ОАВнинг эркин фаолият юритишини таъминлашга йўналтирилган бир қатор тадбирлар қўлландики, бунинг самараси ўлароқ, республикамизда эркин ахборот бозори ва соғлом рақобат муҳити шаклланди, хусусий босма нашрлар, сиёсий партиялар нашрлари, электрон медиа компаниялар, нодавлат ахборот агентликлари фаолият юрита бошлади.

Айни кунда юртимиз бўйлаб сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий йўналишда чоп этилаётган газеталарнинг сони 500 дан ортиқ бўлиб, улар республика, вилоят ва туман миқёсларида чоп этилади. Мазкур нашрлар ўзбек, рус, қозоқ, тожик, қорақалпоқ, корес, инглиз ва бошқа тилларда чоп этилмоқда.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамият, илм-фан тараққиёти, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жараёнларда муҳим аҳамият касб этгани боис ҳар қандай мамлакат ҳаётини матбуот, телевидение ва радиоэшитиришларсиз тасаввур қилиш қийин. Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик фикрини шакллантириш, одамларнинг маънавий-маърифий дунёқарашини бойитиш, ҳуқуқий, сиёсий ва ижтимоий саводхонлигини ҳамда фаоллигини оширишга қаратилган фаолиятида тезкорлик ва холис ёндашув асосий мезондир.

Республикамизда чоп этилаётган матбуот нашрларини муштарийларга етказишда "Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси ва унинг жойлардаги матбуот дўконларининг ҳиссаси катта. Айни пайтда компания томонидан 200 дан ортиқ номдаги газета ва яна шунча номдаги журналларнинг ҳам обунаси уюштирилади.

Мавжуда Мирсодиқова ҳам бу соҳанинг фидойиларидан. 28 йилдирки у матбуот дўконида сотувчи сифатида ишлаб келмоқда. Мавжуда опа ўз ишининг фидойиси, газетхонлар билан доимо хушмуомалада бўлади. Ҳатто дўкон атрофига экилган гулу райҳонлар ҳам харидорларнинг эътиборини тортади. Бундан ташқари, ушбу дўкондаги каби даста-даста газеталарни бошқаларидан топишингиз қийин. Опа бирон газетани сўраб келган кишини қуруқ қўл билан қайтармайди. Шу боис унинг дўконидан турли номдаги матбуот нашрларини топишингиз мумкин. Компания томонидан белгиланган ойлик режаларни ҳам ортиғи билан бажариб келмоқда. М.Мирсодиқованинг кўп йиллик намунали фаолияти эътиборга олиниб, 2001 йилда у "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ИЖОД ҲАҚИДА...

Сен менга сўз ожиз, дединг. Агар ўзингни ҳақ деб билсанг, у ҳолда сўзнинг ожизлиги ҳақидаги сўзларинг ҳам ожиздир.

Жалолиддин Румий

Билими етмаган нарсага фатво берган киши унга амал қилганларнинг гуноҳларини ҳам олур. Кимки ҳақиқатни билиб туриб, нотўғри маслаҳат берса, демак, унга хиёнат қилибди.

Ҳадисдан

Ботинийликдан зоҳирийликка ўтишга олиб келувчи ҳамма нарса ижоддир.

Афлотун

Истеъдод авлоддан-авлодга ўтадиган зодагонлик унвони эмас.

Дени Дидро

Ҳар қандай ижод намунаси ижодкор тўғрисида гувоҳлик беради. Ҳеч нарса мени бу оддий аксиомадан қайтаролмайди.

Вольтер

Фикр ва сўз амалиётга йўналтирилгандагина уларнинг ҳар иккиси ҳам моддиятга — нарсага айланади.

Ван Шоужен

«ШАРҚ»дан чиққан НАШРлар

Ҳар бир газетанинг матбуот нашри ҳолига келиб, муштарий қўлига етгунича кечадиган жараёнлар юзлаб, ҳатто минглаб нафар турли касб эгаларининг меҳнатини талаб этади. Жумладан, матбуот тизимининг ривожланишида нашрларнинг эътирофга лойиқ ҳиссаси мавжуд. Газета саҳифаларини нашрга тайёрлаш жараёни бир неча босқичда кечади: чоп этиладиган мақолалар журналистларнинг ижод маҳсули бўлса, бу мақолаларни газета саҳифаларига жойлаш ва мақола мазмун-моҳиятига мослаб безаш саҳифаловчи-дизайнерлар зиммасидаги вазифадир. Ана шундан кейингина меҳнат эстафетасини нашрлар қабул қилиб оладилар. Аксарият нашриётларда иш кечаю кундуз ташкил этилган. Жумладан, республикадаги энг катта нашрлик корхонаси ҳисобланган «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босма цехларида ҳам туну кун иш «қайнайди». «Шарқ»да республика миқёсида чоп этиладиган деярли барча даврий нашрлар босмадан чиқади.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

"Mahalla" муаллифларидан бири

Рашид Бойтиллаев номи газетамиз муштарийларига яхши таниш — у киши нашримизнинг доимий муаллифларидан бири. Р.Бойтиллаев тарихчи, санъатшунос олим сифатида нафақат "Mahalla", балки бошқа нашрлар, радио, телевидениеда ҳам чиқишлар қилиб туради. Баъзан Рашид ака (биз таҳририят ходимлари аслида у кишини узоқ йиллар олий ўқув даргоҳларида ёшларга сабоқ берганини эътиборга олиб "Бойтиллаев домла" деб атаймиз) газетамизнинг навбатдаги сонига аталган мақолани келтирганда, соатга дам-бадам кўз ташлаб, бизни ҳам, ўзини ҳам шошириб қўяди:

БОЙТИЛЛАЕВ топган "ХАЗИНА"

— Ярим соатдан кейин радиода "запись" бор, шунга кеч қолмай...

Агар радиода "запись" ёки бошқа важ туфайли Бойтиллаев домла шошилмаётган бўлса, таҳририятда бироз ушланиб, яқин ва олис мозийга дахлдор қизиқарли ҳикояларидан бизни баҳраманд этиб кетади. У киши тарихий саналарни аниқ айтиши ва ўзига хос баён услуби билан бизни лол қолдиради.

Рашид ака кўпинча бизга "илиниб" ширинлик, мева-чева келтиради. Конфетларни чой билан "эрмак" қиламиз, баҳорда ва кеч кузда эса албатта Рашид аканинг боғида пишган ўрик ва хурмога "оғзимиз тегади". Ҳафсалани қарангки, у киши кўп қаватли уйда яшаса ҳам, "дом" атрофидаги қаровсиз ётган каттагина майдонни обод қилиб, каттагина боғ яратган. Бу боғда пишган мевалардан Рашид ака истиқомат қиладиган пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Мирзакалон Исмоилий номли маҳалла аҳли ҳам баҳраманд бўлади, албатта. Домла пишиқчилик маҳали шахсан ўзи маҳаллдошларига мева улашиб чиқади. Айниқса, кам таъминланган, боқувчиси йўқ оилалар мева билан кўпроқ сийланади.

Буни қарангки, Рашид ака "Mahalla"нинг фаол муаллифи бўлишдан ташқари, ўз маҳалласида ҳам фаол, ташкилотчи фуқаролардан бири. Маҳалладаги энг мушкул, лекин ўта хайрли юмушлардан бири, яъни йиғиннинг хўжалик жиҳозлари ва буюмларини назорат қилиш у кишининг зиммасида. Тўйҳашам ёки оилавий тадбир ўтказмоқчи бўлган одам борки, Рашид акасиз иш битиролмайди. Биронта хонадон таъзияли бўлиб қолганда эса Рашид ака ҳамма ишини йиғиштириб, ўша хонадонга етиб боради, марҳумнинг яқинларига йўл-йўриқ кўрсатади.

Рашид Бойтиллаев (ўнгдан иккинчи) Исфандиёрхоннинг 1906 йилда қурилган девонхонасида. Хива 1982 йил.

— Беш-олти одамнинг бу ишни эпломай, "фалонча чойнак синди, шунча дастурхон йўқолди, бунча лаган ундирилди" деган ташвишлардан безор бўлганидан хабардор эдим. Менга бу ишни таклиф қилишганда аввалига кўнмадим. Ўзим ижодкор бўлсам, менга бу ташвиш ортиқча, деб ўйладим. Қайта-қайта илтимос қилишгач ва энг асосийси, кўпнинг ҳожатини чиқарса, савоби ҳам кўп бўлишини ўйлаб, рози бўлдим. Мана, 14 йилдан буён шу ташвиш менинг зиммамда, ҳали биронта маҳалладошимнинг норози бўлганини эшитмадим. Лекин тўй-маъракалар чоғи маҳалланинг битта пиёласи синса, менинг юрагим "жиғ" этиб кетади...

Рашид Бойтиллаев тарихчи олим сифатида маҳалла ёшларига Ватанимиз, Тошкентнинг ўтмиши, айниқса, маҳаллалар тарихи ҳақида қизиқарли маърузалар қилиб туради. Бундан ташқари, маҳалладошлар учун мўъжазгина кутубхона ҳам ташкил этган.

...Бундан бир-икки йил аввал Рашид аканинг археологик қазилмалар чоғида топилган заргарлик буюмлари, олтин-кумуш тангалар ҳақидаги мақолалари газетамизда кетма-кет чоп этилди. Шунда бир муштарий таҳририятга "Рашид Бойтиллаевнинг мақолаларини қизиқиб ўқийман, у одам аслида ким, насаблари нега айнан "Бойтиллаев"? Мабодо мақолаларида ёзилган хазинани ўзи топиб олиб, кейин шундай таҳаллусни олмаганмикан?" дея мактуб йўллаганди. Ўшанда ярми ҳазил бу мактуб ҳақида айтганимизда, у кишининг жавоби шундай бўлганди:

— Хазина топганим рост. Лекин бу хазинада олтину кумушлар йўқ. Мен топган хазина — уйимдаги китоб жавонларида жамланган адабиётлар. Мен бутун умрим давомида турли даврларга оид юртимиз тарихи, ўзбек ҳунармандларининг санъаткорона меҳнати ҳақидаги адабиётларни тўпладим, уларни ўргандим, ўрганганларим асосида ижод қилдим. 50 йилдан буён ана шу хазинадан илҳомланиб ижод қиламан, Худо умр берса, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Биз ҳам яна кўп йиллар шундай бўлишига тилакдошмиз. Бир томони, Рашид ака газетамизнинг доимий муаллифи, иккинчи томони эса ... чойни ширинлик билан ичишга ўрганиб қолганмиз.

"Mahalla"миз меҳмони

ВАҚТ билан ҲАМНАФАС "ПОЙТАХТ" радиотўлқини

ФМ радиоканаллари орасида ўзига хос услубга эга бўлган "Пойтахт" мусиқий-ахборот радиоси эшиттиришлари илк бора русча ва ўзбекча талқинда 2004 йил 15 июндан бошлаб Тошкент шаҳри ва вилояти бўйлаб тарала бошлаган. Бу радиоканал фаолиятидаги ўзига хослик тингловчиларга ахборот дастурларини етказиш услубида, эфирга узатиладиган қуй-қўшиқларнинг танланишида яққол сезилиб туради. Миллий мусиқий меросимизга катта ҳурмат ва эҳтиром билан қараб, унинг анъаналарини авлоддан-авлодга етказиш ишига бор ижодий салоҳиятини бағишлаётган ўзбек қўшиқчилик санъатининг том маънодаги фидойилари ижодига кўпроқ мурожаат қилинади, бу радиоканалда. "Пойтахт"дан тараладиган республикамиз ҳаётига, жаҳондаги воқеа-ҳодисаларга оид янгиликлар, спорт, об-ҳаво, иқтисодиёт хабарлари, турфа мавзудаги ахборотлар тингловчига тезкор ва холислик билан узатилади. Тингловчиларга энг маъқули, деярли барча ФМ радиоларига хос бўлган бевосита эфирда узатиладиган турли топишмоқ, тезайтиш, мақол ёки бошловчи ва мухлислар ўртасида савол-жавоб тарзидаги радиоўйинлардан мутлақо воз кечилганидир.

"Пойтахт" радиосининг шиори — «Вақт билан ҳамнафаслик». Бу тўлқин орқали ҳар ярим соатда Тошкент курантининг бонги янграйди, бунда ҳам ўзига хос рамзий маъно бордек...

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида яқиндагина фаолиятининг уч йиллик санаси нишонланган "Пойтахт" радиоканали Бош муҳаррири Нодира Мақсудовани суҳбатга чорладик.

— Уч йил оммавий ахборот воситаси фаолиятида маълум даражада ютуқларга эришиш, мухлислар орттириш учун етарли муддат. "Пойтахт" радиосининг муваффақияти нималарда намоён бўлмоқда?

— Касб байрамимиз арафасида ютуқларни эътироф этиш, умуман эътирофга арзигулик ютуқларимиз мавжудлигини англашнинг ўзи жуда қувончли ҳол.

Дастлаб иш бошлаганимизда тингловчиларимиз аудиторияси 35 ёшдан ошган фуқаролардан иборат эди. Бугун тингловчиларимиз сафи кенгайиб, 25 ёшдан 60 ёшгача бўлган ижтимоий-сиёсий фаол, мустақил фикрловчи ва воқеликни теран англовчи кишилар бизнинг сомеъимиздир. Бунга ахборотларни тезкор узатиш ва ранг-баранглигини таъминлаш орқали эришдик. Маданият, иқтисодиёт, спорт, тиббиёт ва ҳуқуқий мавзуларда аниқ ва тезкор хабарларни тайёрлашда кўпчилик оммавий ахборот воситалари учун асосий манба саналган Интернет тармоғи хизматларидан воз кечиб, муайян вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, турли йўналишдаги тизим мутасаддилари билан ҳамкорлигимиз, маълум бир соҳага бевосита алоқадор янгиликларга асосланиш тингловчиларимизнинг қизиқишини орттирмоқда. Аҳолини қизиқтириши мумкин бўлган мавзулар "Истеъмолчи ҳуқуқи", "Минг бир саволга минг бир жавоб", "Коммунал муаммолар", "Қонун ва унинг ижроси" каби рукнларда акс этмоқда. Биз учун энг катта ютуқ яқинда журналистика соҳасидаги "Олтин қалам" халқаро кўрик-танловининг II Миллий мукофотига сазовор бўлганимиздир. Бу мукофотга мамлакатимиз ва хорижий давлатларда юз бераётган муҳим воқеалар тезкорлик билан ёритилган ахборот-таҳлилий дастурларимиз учун эришдик. Бундан ташқари, www.bank.uz сайтида ўтказилган сўровномалар натижасига кўра бизнинг радиотўлқин "Энг машҳур радио"лар сафидан ўрин олди.

«Пойтахт» радиоканалида бошловчиларга ўзбек ва рус тилини мукаммал билиш, нутқ равонлиги, сўз бойлиги каби қатъий талаблар қўйилади. Бу борада бош муҳаррир Нодира Мақсудова барча ходимларга ўрнак.

"Пойтахт" радиоси мусиқа муҳаррири Насиба Муҳаммаджонова эса нафақат "Пойтахт" радиотўлқинида, балки умуман ФМ диапазонидаги радиотўлқинларда тингловчилар эътиборига ҳавола этилаётган куй-қўшиқларнинг савияси, даражаси хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашди:

— Яхши мусиқа, маромига етказиб басталанган ва куйланган қўшиқ воситасида инсоннинг руҳий оламини бойитиш ҳам жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этади, менимча. Айнан қўшиқчилик борасида жуда бой миллий меросга эга халқмиз. Айни кунда бу бебаҳо меросимизга эътибор, қизиқиш жуда катта. "Пойтахт" ўз ишини бошлаганидаёқ бу радиотўлқинда асосан ретро ва мумтоз йўналишдаги мусиқалар узатилиши мўлжалланган эди. Эфирда енгил-елпи, матни ва оҳанги саёз қўшиқлар таралишига йўл қўймасликка интиламан. Замонавий эстрада йўналишида куйланган қўшиқлар орасидан ҳам қўшиқчилик талабларига риоя этилган ҳолда яратилганларини саралаб оламан. Бир хилликнинг олдини олиш мақсадида бошқа ФМ тўлқинларини ҳам мунтазам эшитиб бораман.

— Элимиз севган санъаткорларнинг машҳур қўшиқларини барча тўлқинларда эшитамиз. Лекин "Пойтахт"да баъзи санъаткорларнинг ҳеч ерда янграмаган қўшиқларидан баҳраманд бўламиз. Масалан, кейинги пайтларда Ўзбекистон халқ артисти, хушовоз лирик хонанда Зулайҳо Бойхонованинг бир нечта янги қўшиқлари айнан "Пойтахт" тўлқинида янграмоқда. Энг сара қўшиқларни жамлаш осон бўлмаса керак?

— Бунда энг аввало, санъаткорлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара беради. Кўпчилиги янги қўшиқларини шахсан тақдим этишади, аксарият қўшиқларни турли манбалардан излаб топиб, ёздириб келамиз. Масалан, Анвар Ғаниевнинг кўп йиллар аввал куйланган "Жайрон" қўшиғини узоқ изладик. Бу қўшиқ ёзувтасмаси ҳатто санъаткорнинг ўзида ҳам сақланмаган экан. Энг фаол ходимларимиздан бири, бошловчи Ирода Шоюнусова қўшиқни "Давлат радиозахираси"дан топишга муваффақ бўлди. Қўшиқ эфирга узатилгач, Анвар Ғаниев таҳририятимизга келиб, ўзи учун нусха ёздириб олди. "Эскиси ёқимли, янгиси яхши" рукни остида турли даврда турли санъаткорлар томонидан ижро этилган қўшиқлар берилади, "Уч авлод мусиқаси" рукнида эса оилавий санъаткорлар сулоласи вакилларининг қўшиқлари янграйди. Бундай ранг-баранглик тингловчини зериктирмайди, энг муҳими, унда қўшиқдан завқланиш ҳиссини тарбиялайди, ҳақиқий мусиқа асарини енгил-елпи, ўткинчи оҳанглардан фарқлашга ўргатади. Бу айниқса ёшларимизнинг қўшиқчилик санъатига муносабатини, дид-фаросатини шакллантиришда жуда муҳим.

Радиоканалнинг фаол ходимлари (ўнгдан): Бахтиёр Каримов (оператор), Наргиза Дўстмуҳамедова (бошловчи) ва Икром Эркулов (бошловчи).

Суҳбатдошларимиз байрам муносабати билан ҳамкасбларимизга ўз тилакларини изҳор этишди:

— Ҳамкасбларимизга тилагимиз шуки, оммавий ахборот воситасининг қайси турида фаолият юритишмасин, албатта, мухлислари кўпайсин! Ижод бобида ғайрат-шижоат тарк этмасин. Ғайрат-шижоатли ижодкорга эса катта муваффақиятлар ёр бўлиши аниқ.

Кенг омма эътиборига ҳавола этиладиган қўшиқни саралайдиган киши чуқур мусиқий билим ва тажрибага эга бўлиши шарт, албатта. «Пойтахт» радиоканали мусиқа муҳаррири Нодира Муҳаммаджонова Маданият олийгоҳининг халқ мусиқаси бўлимида таҳсил олган. Муқимий номли мусиқали драма театри оркестрида ишлаган. Дутор ва бошқа торли чолғуларда исталган куйни маромига етказиб чалади.

Саҳифадаги мақолалар муаллифи Мавлуда ҚОСИМОВА

Премьерадан сўнг...

Яқинда Ўзбек Миллий Академик драма театрида "Чегара устидаги уй" номли спектакл премьераси бўлиб ўтди. XX аср ўрталарида яшаб ижод қилган машҳур поляк драматурги Славомир Мрожак қаламига мансуб ушбу асарни Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли рассом Бахтиёр Тўраев саҳналаштирган.

«ЧЕГАРА УСТИДАГИ УЙ»

Асар воқеалари XX аср ўрталарида Европада рўй беради. Эътиборлиси, тамошабин кўз ўнгида жонланаётган кўринишлар бир қарашда абсурд воқелик бўлиб кўринса-да, унинг замирида ҳаётий мантиқ ва маъно мужассам. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Славомир Мрожак ўз даврининг ҳақиқатгўй драматурги бўлгани сабаб, таъқибга учраган. Кейинчалик унинг "Эмигрант", "Очиқ денгизда", "Қирол", "Чегара устидаги уй" каби асарлари жаҳон театрларида саҳналаштирилган. "Чегара устидаги уй" асарида ҳам ижодкор асосий қаҳрамон Мен образи орқали ҳаётдаги иллатлар, бепарволик, давр муаммолари билан кураш олиб боради.



...Нонушта палласи. Шу пайт хонадонга тўрт нафар дипломат кириб келади ва оила аъзоларининг тинчи йўқолади. Дипломатлар давлат чегарасини айнан уларнинг уйидан ўтказиш зарур эканлигини таъкидлаб, ишга киришадилар. Энг қизиғи, уйнинг чегара ҳисобига бўлиниши шунчалик маҳорат билан амалга ошириладики, ҳатто ошхонадан ювиниш хонасига ўтиш учун ҳам виза зарур бўлади. Албатта, саҳна кўринишидаги бу каби ҳолатлар беъмани бўлиб кўриниши табиий. Бироқ асар ғояси айнан шундай қизиқарли ҳолатлар ортида яширинган. Ватанпарварлик, дея хонадоннинг қоқ ўртасидан чегара чизиғи ўтишига рози бўлган оила ҳатто бир вакилини йўқотса-да, рўй бераётган воқеаларга қаршилик қилмайди. Воқеалар асар қаҳрамонлари руҳиятига психологик таъсирини ўтказар экан, уларга танлаш имкониятини бермайди ва охир-оқибат Мен исмли бош қаҳрамоннинг фожиасига олиб келади.

Мен образи (Валижон Шамсиев ижросида)нинг воқеаларга муносабати, оила аъзоларининг бепарволиги, ватанпарлик ғоясининг юқори эканлиги қаҳрамонлар томонидан маҳорат билан очиб берилган. Валижон Шамсиев, Насиба Исмоилова, Ҳомид Тошпўлатов, Малика Иброҳимова каби актёрларнинг маҳорати ҳам спектаклнинг ютуғини таъминлаган, дейиш мумкин. Шу ўринда давр муҳитини яққол акс эттирган саҳна декорацияси Б.Тўраевнинг рассомлик истеъдодидан далолат берса, қаҳрамонларнинг муҳитга мослашувида либослар рассоми Севара Зуннунованинг ҳиссаси катта бўлган.

Моҳичехра ЛАТИПОВА

Самарқанд вилояти

Анжуман

БИБИХОНИМ — КАМОЛОТ РАҲНАМОСИ

Самарқанд шаҳридаги Ўзбекистон маданияти тарихи Давлат музейида шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейига бағишлаб, "Бибихонимнинг давлатни бошқаришда тутган ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Вилоят "Олима аёл" уюшмаси ва шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда шаҳардаги жамоат ташкилотларида фаолият юритаётган хотин-қизлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари, ФҲДЁ бўлимлари мудиралари иштирок этишди.

Маълумки, Соҳибқирон салтанатида нафақат осойишталик ҳукм сурган пайтларда, балки Амир Темур жангу жадалларда юрган кезларда ҳам Сароймулкхоним аҳли дониш, толиби илмлар ҳамда темурий маликаларга доимо раҳнамолик қилиб турган. Шунинг учун ҳам малика Бибихоним номи билан бутун дунёга танилди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бибихоним идрокли ва етук ақл-заковат соҳибаси бўлиб, давлат ишларидан яхши хабардор бўлган.

Анжуман қатнашчилари бугунги аёлларимиз, қизларимиз жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришларида ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишда эзгу ишлари, хислату фазилатлари билан номи тарихга муҳрланган закий аёл — Сароймулкхонимдан ўрнак олишса арзийди, дея эътироф этишди. Шунингдек, анжуманда юбилей тантаналарини юқори савия, кўтаринки руҳда ўтказишда, ёш авлод онгида она шаҳрига нисбатан муҳаббат ва эҳтиром ҳиссини уйғотишда аёлларимизнинг ўрни ва хизмати беқиёс эканлиги алоҳида таъкидланди.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

Истиқлолимизнинг 16 йиллиги олдидан

ТОШКЕНТ — ГУЛЛАР ШАҲРИ

Шаҳар-қишлоқларимизда, айниқса, пойтахтимизда қад ростлаётган замонавий кўркам биноолар, равон йўллар, кўприклару ям-яшил боғ-роқларни кўриб кўз қувонади. Тошкенти азимга кўрку тароват бағишлаётган бундай кенг кўламли қурилиш-бунёдкорлик ишлари қаторида дид билан экилган ва парваришланаётган турфа дарахтлару гулларнинг ҳам беқиёс ўрни бор.

Мутахассисларнинг фикрича, инсон соғлигининг мустаҳкамланишига, умрининг узайишига ижобий таъсир кўрсатадиган омиллардан бири хушкайфият элчиси — гул экан. Гул нафақат муҳаббат, гўзаллик, нафосат ва дўстлик рамзи, балки кишига завқ берадиган, руҳий тетиклик бахш этадиган табиат инъомидир. Айни пайтда гул орасталик, тинчлик-осойишталик ва фаровонлик белгиси ҳамдир.

Дунёнинг қайси мамлакати, шаҳрида гул, гулзор кўп бўлса, ўша ерда тинчлик, осойишталик, юксак тараққиёт ва барқарорлик гувоҳи бўласиз. Амстердам (Голландия), Женева (Швейцария), Рим (Италия) бунга мисол. Японлар эса гулдаста ясаш — икебанани санъат даражасига кўтарган.

Бугун пойтахтимиз Тошкент ҳам жаҳоннинг ушбу шаҳарлари рўйхатидан муносиб ўрин олди. Бу — соҳа мутахассисларининг, халқаро экспертларнинг эътирофи.

Бу — Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш борасидаги кенг кўламли ишлар самараси. Истиқлол йилларида барпо этилган кенг майдонлар, кўчалар, равон йўллар, боғ-роғлар, гул-гулзорлар ҳар қандай кишини лол қолдиради.

Давлатимиз раҳбари, мамлакатимизнинг қайси ҳудудида бўлмасин, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш асосида маҳаллий иқлим шароитига мос сўлим ва серсоя дарахтларни, гулларни янада кўпроқ экиш лозимлигини таъкидлаши бежиз эмас. Зеро, шаҳар-қишлоқларимиз ҳуснига ҳусн қўшиб турган ям-яшил дарахтлар, гулзорлар — яшиллик ҳавони тозалаб, мўътадиллаштириши, ҳарорат ва ҳаво намлигини бир маромда сақлаши, шовқин таъсирини камайтириши табиий.

Шу боис пойтахтимизда гул экиш кўлами йил сайин кенгаймоқда. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан жорий йилнинг апрель ойида 4 миллиондан зиёд гул кўчати экилгани бунинг яққол далилидир.

Бугун пойтахтимизга чирой бағишлаб турган бундай гулларни экиш жараёнида уларнинг иқлим шароитимизга мослиги, гуллаши ва ранги ҳисобга олинаётир. Айни баҳор-ёз ойларида экилаётган иссиқсевар атиргуллар, шунингдек, салқин жойларда ҳам яхши ўсадиган гулларнинг ҳар хил турлари эрта баҳордан то кеч кузгача очилиб туриши кўча, хиёбон ва майдонларга ўзгача тароват бағишлайди.

Мамлакатимизда гул экиш, парваришлаш, сотиш истиқболли соҳалардан бирига айланди. Сервис ва хизмат кўрсатиш билан чамбарчас боғлиқ ушбу соҳа айрим мамлакатларда асосий даромад манбаларидан саналади. Айни пайтда жаҳон бозорида гул савдосининг йиллик кўлами 7 миллиард АҚШ долларига етади. Гуллар ватани деб аталадиган Голландиядан бундан етти йил муқаддам экспорт қилинган гуллар миқдори эса 4 миллиард евродан ошган эди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари кўлами кенгайиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга эътибор янада кучайгани гулчилик ривожига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда жорий йил 21 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Тошкент шаҳрида замонавий гулчилик истиқболларига бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда гап борди. Пойтахтимиздаги "Goodveen гуллари уйи" Германия Федератив Республикаси катта экспертлар жамияти – SES билан ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирда Ўзбекистонда гул етиштириш ҳажми йил сайин ошиб бораётгани қайд этилди. Расмий маълумотларга қараганда, фақат Тошкент шаҳри гул бозорларида йилига сал кам 4 миллиард сўмлик гул сотилади.

Гул савдоси кўламининг кенгайиши, экспорт-импорт масалаларида халқаро ҳамкорлик ҳамда соҳа ходимларининг тажриба алмашиши тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Гулчилик бўйича олти ярим минг нафардан зиёд юқори малакага эга мутахассисни бирлаштирган Германия катта экспертлар жамияти – SES ўзбекистонлик гулчилар билан яхши ҳамкорликни йўлга қўйган. 1983 йилда Германияда асос солинган жамият айни пайтда 152 мамлакатда иш юритиш баробарида хорижий давлатларнинг гулчилик билан шуғулланувчи корхона ва фирмаларига бизнес бўйича маслаҳат ва амалий кўмак бериб келади. Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасидаги ҳукуматлараро келишув доирасида юртимиз гулчиларига кўрсатилаётган бундай амалий ёрдам соҳадаги имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

— Тошкент том маънода гуллар шаҳри экан, - дейди анжуманда SES эксперти Жак Коолен. — Тошкентдаги гўзал майдонлар, хиёбонлар, кенг ва равон кўчалару муҳташам турaржойлар атрофини кўриб, бунга тўла амин бўлдим. Тошкент, айни ёз палласи бўлишига қарамай, ям-яшил. Бу ерда гулчиликнинг истиқболи жуда порлоқ.

Мазкур соҳада муваффақиятли фаолият юритаётган "Goodveen гуллари уйи" салони мамлакатимизда гулчилик маҳсулотлари етиштириш, тайёрлаш ва сотиш борасида мутахассислар маҳоратини ошириш бўйича эксклюзив флористика хизмати кўрсатадиган ягона ташкилотдир. Ушбу салон гулдаста, композиция, тўй флористикаси, маросимлар безаги ва тақдимоти, тувакда ўсадиган гуллар, совғаларга безак бериш, сувенирлар, гулларни мамлакатимиз ҳудудларига ва хорижий ўлкаларга етказиб бериш борасида ҳам хизмат кўрсатади.

"Goodveen гуллари уйи" салони раҳбари Рубен Саакяннинг таъкидлашича, бугун ҳамюртларимиз ўзлари хоҳлаган жойдан туриб дунёнинг исталган манзилидаги гулга буюртма бериши ва жўнатиши мумкин. Мижоздан талаб қилинадиган юмуш — телефон қўнғироғи ёки веб-сайт орқали буюртма бериш, холос.

Жасур КЕНГБОЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Тошкент вилояти

103 ёшли УЛТУВ момо

Мамлакатимизда юз ёшдан ошган отахону онахонлар борки, уларни кўриб ҳавас қиласан киши. Бекобод туманидаги Дўстлик маҳалласида ана шундай пиру бадавлат инсонлардан бири — 103 ёшли Ултув момо Омонова истиқомат қилади. Момонинг 2 нафар фарзанди, 12 нафар невараси ва 28 нафар чевараси бор. Онахон эндиликда оила аъзолари ва маҳалла-кўй ардоғида кексалик гаштини сурмоқда.

СУРАТДА: *Ултув момо чеваралари билан.*

Султонбой ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Ютуқларни сарҳисоб қилиш билан бир қаторда камчилик ва хатоларингизни кўриб чиқишингиз лозим. Соғлиғингизга эътиборлироқ бўлинг.

СИГИР(22.04-20.05)

Сиздаги руҳий тушкунлик кайфияти атрофингиздаги кишиларга ўз салбий таъсирини ўтказишига йўл қўймасликка ҳаракат қилинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Шу кунларда молиявий муаммоларни бартараф этишга шошилмаганингиз маъқул. Акс ҳолда уларнинг натижаси салбий бўлиши мумкин.

КИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Режаларни амалда қўллашдан аввал ўз салоҳиятингизни тўғри баҳолай олишингиз лозим. Акс ҳолда вақтингиз зое кетиши эҳтимоли бор.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Шу кунларда сизга ҳамкорлик масаласида қизиқарли таклифлар билдиришлари мумкин. Уларни рад этишга шошилмаганингиз маъқул.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ҳиссётга берилувчанлигингиз айни вазиятда сизга панд бериши мумкин. Ақл билан иш кўришга ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Айни пайтда сизни қамраб олган тушкунлик кайфияти ҳафта сўнггидаги воқеалар таъсирида бартараф этилиши кутилмоқда.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Ҳафта давомида содир бўлиши кутилаётган воқеалар атрофингиздаги кишилар билан муносабатингизни кескинлаштириши мумкин.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларда иш жойингиз ўзгариши ёки лавозимингиз кўтарилиши кутилмоқда. Оила аъзоларингизга эътиборлироқ бўлишни унутманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Айни кунлардаги қизиқарли учрашув ва танишувлар сизнинг ҳаётингизда сезиларли ўзгаришларга сабаб бўлиши кутилмоқда.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ушбу ҳафтада қилинган харидларингиз ўта самарали бўлиши кутилмоқда. Шундай экан, катта харидлар қилишдан чўчиманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Ҳафта давомида ҳамкасбларингиз билан муроса қилиш бирмунча мураккаблашиши мумкин. Бу вазиятда босиқроқ бўлишингиз лозим.

Ҳадислардан таралган ҳидоят нури қалбимизга жо бўлсин

Сизларнинг ҳар бирингиз бамисоли чўпондирсизлар ва ўз қўл остиларингиздагиларга масъулдирсизлар. Подшоҳ ўз фуқароларига, эр ўз аҳли аёлига, хотин эрининг уйига, ходим ўз хожаси молига, фарзанд ўз отаси мулкига масъулдир. Демак, ҳар бирларингиз масъулдирсизлар.

* * *

Вафотидан сўнг надомат қилмайдиган одам бўлмайди. Яхши кишилар бу дунёда хайрли ишларни зиёдроқ қилмаганидан, ёмон кишилар эса ёмонликдан қайтиб тавба қилмаганидан надомат чекадилар.

* * *

Кимки билиб туриб ўғирлик нарсани сотиб олса, у шу ўғирликнинг ори ва гуноҳига шерик бўлади.

* * *

Бирор касбу ҳунар орқасидан ризқу насибага эга бўлиб яшаётган одам, шу касбни беузр ўзгартирмасин!

Спорт

ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тошкент шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ташкил этилган Ўзбекистон чемпионатида юртимизнинг юздан зиёд энг сара курашчиси саккиз вазн тоифасида гиламга чиқди.

Пойтахтлик полвонлардан Бобур Қурбонов, Хуршид Тўхтаев, Жаҳонгир Мўминов, Абдумалик Алиев, Суҳбат Ҳожиев, навоийлик Элдор Ҳафизов, бухоролик Тоймурод Турдиев ҳамда самарқандлик Рустам Синдаров "Ўзбекистон чемпиони" деган шарафли номга сазовор бўлди.

Чемпионатда муваффақиятга эришган курашчилар жорий йилнинг июль ойида Украинанинг Мариуполь шаҳрида ўтказиладиган анъанавий халқаро турнирда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири.

Эҳтиёткорлик — шарт!

Тошкент шаҳри

СЕРГАК БЎЛСАК...

саросимага ўрин қолмайди

Юнусобод туманидаги Хуснобод маҳалласида фавқулодда вазиятлар содир бўлганда аҳолини қутқариш ва дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича аҳоли ўртасида ўқув-машғулот тадбири бўлиб ўтди. Уни ташкил этишда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Тошкент шаҳар кенгаши ва ёнғин хавфсизлиги хизматининг ўт ўчирувчилар гуруҳи яқиндан ёрдам беришди. Тадбирда маҳалла ҳудудида истиқомат қилаётган юз нафарга яқин фуқаро иштирок этди.

— Албатта, зилзила рўй беришини олдиндан айтиб бўлмайди, шунга қарамай, аҳоли унинг оқибатларини бартараф этишга ҳамиша шай туриши керак, — дейди маҳалла оқсоқоли Мирзоҳид Мирзоидов. — Лекин ёнғин чиқиши ва табиий газдан нотўғри фойдаланганлик туфайли юзага келган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ўз қўлимизда. Ўйлайманки, ўтказилган тадбирдан сўнг маҳалладошларимиз янада сергак бўлишади.

Маҳаллада ҳар бири 10 нафар аъзодан иборат 8 та махсус қутқарув гуруҳи тузилган. Машғулотларда Манзура Собирова, Қобилжон Аминов ва Азим Рашидовлар бошчилик қилаётган қутқарув гуруҳлари, айниқса, фаол иштирок этди.

— Биз Хуснободда фақатгина ўқув-машғулот тадбирини ўтказиш билан кифояланиб қолмасдан, маҳалла оқсоқоли билан маслаҳатлашиб, кам таъминланган оилаларнинг рўйхатини олдик. Уларга моддий жиҳатдан қўлимиздан келганча ёрдам бермоқчимиз, — дейди Қизил ярим ой жамияти шаҳар кенгаши координатори Нилуфар Раҳимбобоева.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган ҳолда таҳририятга келган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят бундай мақолалардан газета саҳифасида фойдаланмаганлиги учун ҳисобдор эмас.
Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.
Газета тарғиботи учун ҳажми 10 см квадратгача бўлган реклама, таъзия ва эълонлар бепул эълон қилинади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

15768 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-520 Топширилди — 23.00
2 3 4 5 6